

ТАСВИРИЙ САНЪАТНИНГ НАТЮРМОРТ ЖАНРИДА ЁШЛАРНИ ТАСВИРИЙ ФАОЛИЯТГА ЎРГАТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Ботир Болтабаевич Байметов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти профессори
bbb19532506@gmail.com

Камола Қудрат қизи Сафоева

Қўқон давлат педагогика институти талабаси

АННОТАЦИЯ

Мақолада тасвирий санъатнинг энг қизиқарли ва долзарб жанрларидан бири бўлган натюрмортни тасвирлаш, уни ташкил этиш, буюмларнинг ранги, ҳажми, шаклларининг тузилишига қараб унинг композициясини шакллантириш, тасвирлаш изчиллигидан фойдаланиш, ўқувчи-ёшларнинг натюрморт тасвирлашда тасвирий санъатнинг қонунларидан фойдаланиш масалаларига қаратилган

Калит сўзлар: Натюрморт, композиция, рангтасвир, тасвирлаш изчиллиги, методик босқич, ижодий фаолият.

КИРИШ

Натюрморт (французчадан “ўлик табиат”) деган маънони англатиб - жонсиз буюмларни тасвирлашга бағишланган тасвирий санъат жанридир. Ушбу жанр тасвирий санъатнинг бошқа жанрларига қараганда анча ёш ҳисобланиб XV-XVI асрларда композициянинг бир қисми сифатида пайдо бўла бошлади ва XVII-асрда Голланд ва Фламанд расмлари томонидан шаклланди ҳамда ривожланди. Савол туғилади, нима учун натюрморт узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида севиб ижро этиладиган жанр? Чунки у бошланғич синф ўқувчисидан бошлаб, профессионал рассомгача ўзига жалб қилинадиган сеvimли машғулот туридир. Айниқса, эндигина тасвирий санъат оламига кириб келаётган бошловчи бўлажак тасвирий санъат усталари учун қизиқарли бўлган энг оддий жанр. Натюрмортларни тасвирлаш жараёнида бўлажак рассом ҳажм, фазо, шакл, перспектива қонунларини ўрганиб санъатнинг пиллапояларидан юқори чўққиларга чиқиш учун энг мақбўл йўлидир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Натюрморт тасвирий санъатда кенг ривож топган мустақил жанрига айланиб, Ўзбекистон тасвирий санъатида рассомлардан Н.Кашина, З.Ковалевская, Ю.Елизаров, Р.Ахмедов, Ғ.Абдурахманов, Н.Тен А.Юнусов, А.Мирзаев, А.Икромжонов каби кўплаб натюрморт жанрининг усталари ва умидли ёш рассомлар ҳам табиат яратган ноз-неъматларга бўлган меҳрларни натюрмортда ифодалаганлар. Натюрморт ва унинг олий таълимда талабаларни касбий тайёрлашдаги аҳамиятига бағишланган ўқув ва илмий адабиётлар билан М.Набиев, Б.Азимова, Ғ.Абдурахмонов, Б.Байметов каби методист олимлар самарали ижод қилганлар. Рус тасвирий санъатининг усталари Н.Н.Ростовцев, В.С.Кузин, А.Унковский ва бошқалар натюрмортни тасвирлашга бағишланган илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Ўзбекистон тасвирий санъатида рассомлардан Н.Кашина, З.Ковалевская, Ю.Елизаров, Р.Ахмедов, Ғ.Абдурахманов, Н.Тен А.Юнусов, А.Мирзаев, А.Икромжонов каби кўплаб натюрморт жанрининг усталари ҳам табиат яратган ноз-неъматларга бўлган меҳрларни натюрмортда ифодалаганлар. Натюрморт жанрининг олий таълимда талабаларни касбий тайёрлашдаги аҳамиятига бағишланган ўқув ва илмий адабиётлар билан М.Набиев, Б.Азимова, Ғ.Абдурахмонов, Б.Байметов каби рассом-олимлар самарали ижод қилганлар.

НАТИЖАЛАР

Тасвирий санъат соҳасида тахсил олаётган ёшлар қандай босқичда таълим олаётган бўлишларидан қатъи назар натюрмортни барча қонун-қоидаларга монанд ва мукамал тарзда тузиш масаласи муҳим ҳисобланади. Қуйида биз натюрмортнинг композицион назариясини таҳлил қиламиз ва уни қандай қилиб тўғри тузиш ҳақида суҳбатлашамиз.

Даставвал натюрморт постановкасининг барча тавсилотлари ва таркибини шакллантириш босқичида иложи борича малакали равишда ҳамда илмий назарий маълумотларга асосланган ва назарий жиҳатдан таянган холда ўйлаб, шакл ва буюмларни ҳажми, тузилиши, оч ва тўқлиги каби кўплаб масалаларга таянган холда кўриб чиқишингиз керак бўлади. Шунда чизилаётган асар билан постановкага қўйилган буюмларнинг композиция жиҳатдан монандлиги, ҳаётий (реалистик) кўриниши, томошабиннинг эътиборини ўзига жалб эта оладиган асар муаллифига айланишингизда муҳим босқич ҳисобланади.

Натюрморт постановкаси пухта, ўзоқ вақт уйлаб мулоқазга қилиб қўйилиши мақсадга мувофиқ. Ўқув постановкаларини ташкил этишда кўп нарсалардан фойдаланилмайди. Уларнинг шакли, ҳажми ва ранглари ҳар турли бўлишига эътибор қаратиш керак. Натюрморт постановкасига турли хил буюмлар, масалан, чинни ёки сопол идиш, металл, ёғоч буюм, ҳар хил рангли сидирға матоларни киритилиши асар мазмунини бойитади ва қизиқарли қилади. Силлик, ялтироқ сиртли идишии сирти жилвасиз нарса билан, қиррали буюмни думалоқ шакл билан ёнм-ён тасвирлаш ва тасвирлаш малакаларини шакллантириш учун имконият яратади.

Натюрморт ишлашда асосий талаблардан бири нарсаларнинг ўлчам, ранг ва тус жиҳатдан ажралиб туриши ҳамда композиция марказига яқин жойлаштаралишидир. Бу тасвир мазмунини очишда сўз бошловчи вазифасини ўтайди, композициянинг марказини бўрттириб кўрсатиб туради. Купинча рассомлар асосий предметни атайлаб композиция марказдан сал силжитиб қўядилар-да, мувозанатни сақлаш учун қарама-қарши томонда ранги ва тус жиҳатдан бир-бирига зид бўлган предметларни танлайдилар.

Бир хил нарсалардан бир неча қуринишда натюрмортлар тузиш мумкин, лекин ҳар гал ҳам ҳажмларнинг катта-кичиклиги ва бўлақларнинг оч-тўқлиги ўртасидаги мувозанат сақланиб қолиши керак. Ўқув натюрмортининг муҳим жиҳатларидан бири тасвирланаётган шаклларнинг фазовий жойланишидадир. Постановкага қирадиган нарсалардан каттаси орқароқда, майдалари олдинроқда бири иккинчиси ва асосий нарсани бир оз беркитиб турадиган қилиб қўйилади.

МУҲОКАМА

Натюрмортдаги нарсаларни мазмунан бир-бирига боғлаш мақсадида унга чўзиқроқ шаклдаги нарса киритилади. Сурат текислигининг асосидан композиция марказига қаратиб қўйилган турли уй жиҳозлари композиция мазмунини очиб беришда ёрдам вазифасини ўтайди ва томошабин нигоҳини композиция марказига йўналтиради. Натюрмортнинг фазовий ҳолатини яқолроқ тасвирлаш учун олдинги қаторда унча катта бўлмаган, аммо ёрқин нарса қўйилади.

Натюрмортнинг уфқ текислигига нисбатан қандай жойланиши ҳам катта ақамиятга эга. Маълумки, уфқ чизигидан пастрокда қўйилган шакллар буюм текислигида тўла-тўқис кўриниб туради, нарсаларнинг асослари, уларнинг ўзаро жойланиши яқол кўринади ва тасвирлаш учун қулай бўлади. Масалан, кўза ва олма ёки косачаларни олиб, шундай жойлаштирамизки, улар кўриш майдонида, мувозанатли ҳолатда кўринсин. Алоҳида буюмларни ўз ўрнига қўйишдан аввал, албатта, натюрморт ўрнатиладиган жойни аниқлаш керак бўлади.

Ишни энг йирик нарсани қўйишдан бошлаймиз. Табиий ёруғликнинг кучи етарли бўлмаса, натюрмортнинг ён томонига сунъий ёриткич қўйилади. Шунда олдиндаги нарсаларда ёруғ-соя контрасти кескин бўлиб, уларнинг ҳажмдорлиги бўртиб кўзга ташланади, сиртлари яққол кўринади, иккинчи қатордаги нарсаларга эса камроқ эътибор берилади.

Аввалига фон учун танланадиган матолар яхлит, сидирға ва нурсизроқ бўлгани маъқул, чунки, кескин рангли, ёрқин, матолар кўзга аниқ ташланиб, натюрмортнинг ўзини қуришга халақит беради. Шуни қам ҳисобга олиш керакки, оқиш фонда қорамтир шакллар, тўқ фонда эса, аксинча, оч тусли шакллар яққол кўринади. Кўпинча натюрморт таркибига ўртача кул ранг тусли фон танланади. Бундай фон постановкани яхлитлаштириб кўрсатиб, тасвирлашда қулайлик яратади.

Кейинчалик натюрморт композициянинг таркибий қисмларидан бири сифатида бурмали матолар киритилади. Орқа фонга ва предмет столига тўшалладиган газламанинг характерига мос ҳолда майда ва йирик бурмалар солиб қўйиш мумкин. Агар мато қандайдир буюм устига ташланса, бурмалар шу буюмнинг шакли билан боғлиқ кўринишда бўлади. Лекин жуда кўп сонли ва майда бурмаларни тасвирлаш қийин, шунинг учун дастлабки натюрмортларда сидирға, ғижимланмайдиган, жилвасиз газламалардан фойдаланиш керак.

ХУЛОСАЛАР

Хулоса ўрнида шуларни таъкидлаш керакки, натюрморт постановкасини тасвирлашдан олдин, дастлаб унинг қандай кўринишга бўлишини олдиндан тасаввур этиш ва натюрмортнинг қандай композицион шаклга эга бўлиши ҳақида қоғоз, мато юзасида ҳаёлан тасвирланиши тасаввур этиш жуда муҳимдир. Шундагина

ўқув ёки ижодий натюрморт постановкасини мукамал шакллантириш мумкин.

Юқорида айтганларимиздан маълум бўлдики, натюрморт постановкасини қўйиш жиддий ва масъулиятли иш. Мазмун жиҳатдан яхши қўйилган натюрмортда ортиқча, тасодифий нарсалар бўлмайди, уни олд ёки ён томондаги кўриш нуқталаридан кузатилганда, мазмунли, ягона бир гуруҳ бўлиб, кўзга яққол ташланиб туради. Шундай қилиб, натюрморт тузиш учун қуйидаги асосий вазифаларни бажариш керак:

- ✓ натюрморт мавзусини танлаш;
- ✓ натюрморт мавзусига мос келадиган шаклларни тўплаш;
- ✓ шаклларнинг тузилиши, туси ва рангларини ҳисобга олиб жойлаштириш;
- ✓ буюм ва шаклларнинг ҳажмдорлигини яққол кўринадиган тарзда ёритиш ва бошқалар.

Натюрморт постановкасини мақсадга мувофиқ ўрнатиб олгандан сўнг, уни методик изчилликда тасвирлашга ўтилади.

Қўйилган натюрмортнинг асосий гоёсини сурат текислигида тасвирлаб кўрсатиб бериш учун, яъни натура билан тасвир ўртасида тўла ўхшашликка эришиш учун тасвирий санъатнинг ифода асосий қонунларидан бири бўлган композиция, чизиқли конструктив қурилиш, перспектива, ёруғ-соя ва рангшунослик назарияларини пухта билиш ва уларни амалда қўллаш олиш талаб қилинади. Алоҳида нарсаларнинг аслига қараб тасвирлаш вақтида билим ва куникмалар ҳосил бўлади.

Аввало, натюрмортга қўйилган буюмлар диққат билан кузатилиб, уларни таҳлил қилинади. Композициянинг ижодий масалалари, асосан, постановка қўйиш вақтида ҳал этилади, яъни натюрморт қисмлари ўртасида ўзвий боғланиш ўрганилади, барча нарсалар биргаликда, яхлит бўлиб кўзга яққол ташланиб туриши керак. Демак, натюрморт тасвирининг таъсирчан бўлиши ва ундан кўзланган мақсадга тўла эришиш учун постановкага нисбатан энг қулай ва қизиқарли қараш нуқтасини топиш керак бўлади. Бунинг учун ҳар хил жойдан туриб, постановкани кузатилади. Қўйилган натюрмортга нисбатан энг мақбул қараш нуқтасини топиб, уфқ чизиғини унга мувофиқ белгилаб олиш муҳим иш ҳисобланади. Натюрморт тасвирини сурат текислигида чиройли жойлаштириш бир катор масалаларни ҳал қилишни талаб этади. Булардан бири керакли формат танлашдир. Шунинг учун ишни бошлашдан аввал бир

неқта кичик ҳажмли хомаки расм бажариб кўрилади. Чизилган эскизлардан энг му ваффақиятлисини танлаб олиб, шу асосда катта асосий вазифани тасвирлаш бошланади.

REFERENCES

1. Boltabayevich, B. B., & Shodieva, B. O. (2020). Individual Approach To The Formation Of Artistic And Creative Talents Of Students In Art Schools. <http://www.usajournalshub.com/index.php/tajssei>. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(08), 637-642.
2. Boltabayevich, B. B., & Pardaboy, K. (2020). Scientific and theoretical aspects of the formation of compositional abilities of students in painting Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation; 32(3) ISSN 2651-4451 |e-ISSN 2651-446X www.turkjphysiotherrehabil.org 30494 classes. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(3).
3. Botir Boltabayevich Baymetov. Technologies Of Moving Images Of People From Different Views In Fine Arts Lessons. The American Journal of Social Science and Education Innovations. The American Journal of Social Science and Education Innovations (ISSN – 2689-100x) Published: January 31, 2021. Стр. 463-468 Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation; 32(3) ISSN 2651-4451 | e-ISSN 2651-446X www.turkjphysiotherrehabil.org 30495
4. Botir Boltabaevich Baymetov. oliy pyedagogik ta'limda bo'lajak tasviriy san'at o'qituvchilarining ijodiy qobiliyatlarini shakllantirishning ba'zi masalalari. academic research in educational sciences volume 2 | issue 1 | 2021. 277-283 бетлар.
5. BB Baymetov, XX Muratov. Tasviriy san'atdan amaliy mashg'ulotlarida talabalarning tasvirlash mahoratlarini takomillashtirish texnologiyalari. Science and Education, 2021. 349-354.
6. Мукаддам Тожикузи кизи Хамрокулова, Рашид Неъматович Зульфиев, Ботир Болтабаевич Байметов. Теория и практика преподавания академического рисунка в подготовке будущего художника педагога. Science and education scientific journal. 2020/12. Том 1. Номер 9. стр 364-372.
7. Ulfat Shuxratovich Ismatov Botir Boltabaevich Baymetov. Pedagogika oliy ta'lim muassasalarida talabalarini bosh namunasini tasvirlashga o'rgatish orqali tyexnik mahoratlarini takomillashtirish. 2020/11. "Science and Education" Scientific Journal November 2020 / Volume 1 Issue 8 Страницы 476-484

8. Laylo Mirsoatova Botir Boltabayevich Baymetov. Oliy pyedagogik ta'limda inson qomatini tasvirlashning nazariyasi va myetodikasi.2020/11 "Science and Education" Scientific Journal November 2020 / Volume 1 Issue 8. Страницы 467-475
9. Shoxidahon Odiljonovna Botirova Boltabaevich Baymetov. Theoretical foundations of coloring in the organization of fine arts classes.2021/4. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal <https://saarj.com>.Том 11,номер 4,Страницы 775-782. Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation; 32(3) ISSN 2651-4451 | e-ISSN 2651-446X www.turkjphysiotherrehabil.org 30497
10. Bobur Abdugani Ogli Nabiyev Botir Boltabayevich Baimetov. Technologies for Improving the Composition of Students in the System of Higher Pedagogical Education 2021/4. The American Journal of Social Science and Education Innovations.Номер 03. Страницы 64-70
11. Pardaboy Khudoyberdiev Baimetov Botir Boltabayevich Use The Theoretical Foundations Of Color Science In Teaching Students To Work With Educational Productions From Painting.2021/3. The American Journal of Social Science and Education Innovations. Номер 03.Страницы 330-337.
12. Muxiddin Sharipjonov Botir Baymetov. Oliy pedagogik ta'limda talabalarga inson qiyofasini amaliy tasvirlash jarayonida ijodiy kompyetyensiyalarini rivojlantirish. 2021. ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES. Том 2.Номер 3.1066-1070.
13. Iqboloy Ibrahimova Botir Boltabaevich Baymetov. Technologies for using fine arts in developing students' artistic imagination. 2021/4. Asian Journal of Multidimensional. Research (AJMR) <https://www.tarj.in>.Том 10.4. 544-551.